

## ИШЛАТИЛГАН АВТОМОБИЛ ЧИҚИНДИ ШИНАЛАРИНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ТАХЛИЛИ

<sup>1</sup>Ш.Т.Жўраев, <sup>1</sup>Рўзиева Р.С.

<sup>1</sup>Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети

[shoxa199029081@mail.ru](mailto:shoxa199029081@mail.ru)

**Аннотация:** Бугунги кунда дунёда йилига 6,8 млн тонна автомобиль чиқиндиси атроф-мухитга зарар етказмоқда. Асосан Италияда 1,8 млн тонна, Францияда 1,9 млн тонна ва АҚШ да 2,2 млн тоннага тўғри келмоқда. Хозирги кунда автомобиль шиналарини қайта ишлаш усулларидан энг самаралиси бу физик-кимёвий усул ёрдамида пиролиз қилишдан иборат.

**Калит сўзлар:** *пиролиз, дериватограф, термик парчалаши, шина, термогравиметрия, резинотехника.*


**Key words:** *pyrolysis, derivatograph, thermal decomposition, tire, thermogravimetry, rubber engineering.*

Дунёда бугунги кунда жуда катта миқдорда автомобиль шиналари ишлаб чиқарилмоқда ва уларнинг ишлатилиш муддати тугаганидан сўнг, улар чиқиндиҳоналарга чиқариб ташланмоқда. Айниқса йирик саноат корхоналарида, шу жумладан кон-металлургия корхоналарида оғир юк ташувчи автомобилларнинг катта миқдорда автомобиль шиналари чиқиндиҳоналарда ташланган ҳолда атроф муҳитни ифлослантироқда. Бир йилда Навоий кон-металлургия комбинатида ишлатиладиган шиналар миқдоритахминан 900 минг тоннадан ортиқни ташкил этади. Бу ўз навбатида чиқадиган чиқинди миқдорини кўпайишига ва у ўз навбатида экологияни бузилишига олиб келади. Шу сабабли бу турдаги чиқиндилардан унумли фойдаланиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Илмий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики [1,2], резинотехник буюмларни қайта ишлаб фойдали маҳсулот олишнинг энг мақбул усулларидан бири бу термик пиролиз усули ҳисобланади. Шу сабабли резинотехник буюмларда борадиган термик ўзгаришларни тадқик қилишнинг муҳим усулларидан бири бу дериватографик усулдир.

Ушбу ишда резинотехник материаларнинг 20-1400 °C температура оралиғида дериватографик таҳлил натижалари келтирилган. Дериватограмма Франциянинг SETARAM компанияси томонидан ишлаб чиқарилган *Labsys™ Evo* маркали дериватографда амалга оширилди.

Олинган дериватограмма расмда келтирилган бўлиб, у 4 та эгри чизикдан иборат. Дина-мик термогравиметрик анализ эгри чизиги (ДТГА) (2-эгри чизик) таҳлили шуни кўрсатадики, ДТГА эгри чизиги асосан 2 та интенсив парчаланадиган температура оралиғида амалга ошади. [3,4]



1-

парчаланадиган оралиқ 150-420°C температурага, 2- парчаланадиган оралиқ эса 450-650°C температуруларга мос келади.

### 1-расм. Резинотехник материаллар дериватограммаси

1-Температура эгри чизиги; 2- динамик термогравиметрик анализ эгри чизиги (ДТГА); 3- динамик термогравиметрик анализ эгри чизигининг ҳосиласи (ДТГП); 4-DSK эгри чизиги.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2-парчаланадиган оралиқда интенсив парчаланиш жараёни содир бўлади. Бу оралиқда парчаланишнинг асосий катта миқдори, яъни парчаланишнинг 35 % амалга ошади.

Динамик термогравиметрик анализ эгри чизиги ва DSK эгри чизигининг батафсил таҳлили, қўйидаги жадвалга келтирилган.

1-жадвал

**Резинотехник материалларнинг ДТГА ва DSKэгри  
чилифинатижалари таҳлили**

| №  | Температура, °C | Йўқотилган масса, мг | Йўқотилган масса, % | Сарфланадиган энергия миқдори( $\mu$ V*s/mg) |
|----|-----------------|----------------------|---------------------|--|
| 1  | 50              | 41                   | 0                   | 0  |
| 2  | 100             | 40,105               | 1.6                 | 6,91   |
| 3  | 200             | 39,035               | 2,7                 | 3,89   |
| 4  | 300             | 38,226               | 5,0                 | 3,99   |
| 5  | 400             | 37,714               | 5,7                 | 4,13   |
| 6  | 500             | 36,809               | 7,2                 | 4,97   |
| 7  | 600             | 35,929               | 9,1                 | 6,70   |
| 8  | 700             | 33,112               | 11,5                | 4,32   |
| 9  | 800             | 31,129               | 14,5                | 5,32   |
| 10 | 820             | 28,132               | 20,1                | 5,36   |
| 11 | 850             | 27,135               | 28,2                | 3,35   |
| 12 | 900             | 25,936               | 29,3                | 4,36   |

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ҳарорат  $650^{\circ}\text{C}$  дан қўтарилилгандан кейин массанинг йўқотилиши 25,9 % ни ташкил этади ва ўзгаришсиз қолади, яъни намунада асосан металл корд қолдиқлари қолади.

Жадвалда келтирилган натижаларни таҳлил қиласак,  $100^{\circ}\text{C}$  дан юқорида асосан пиролиз жараёни бошланади. Масалан,  $400^{\circ}\text{C}$  да резинотехник материални массаси 5,7 мг га камайгани кузатилади. Бунинг учун 2400 сек вақт ва  $5.01(\mu\text{V*s/mg})$  энергия сарф бўлади. Пиролиз учун мақбул температура  $500-550^{\circ}\text{C}$  эканлиги аниқланди.

Температуранинг турли оралиқларида турли органик ва ноорганик маҳсулотлар ҳосил бўлади. Пиролиз маҳсулотлари хроматомасспектромерик усуслда ўрганилмоқда.

Демак, резинотехник материалларни дериваторграфик усуlda тадқиқ қилиш пиролизни амалга оширишнинг температура оралиқларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Sh T Juraev, AS Ibodullaev, BF Mukhiddinov- Investigation of The Pro-perties Of Rubber Compositions Filled With Carbon Material- International Journal of Recent Advancement in Engineering & Research, стр 972.

2. Джураев Ш.Т., Мухиддинов Б.Ф., Ибодуллаев А.С.- исследование технологических свойств резиновых смесей на основе синтетических каучуков, наполненных углеродсодержащим материалом- Евразийский Союз Ученых (ЕСУ), стр 13.

3. Sh.T. Juraev, A.S. Ibodullaev, B.F. Mukhiddinov- Investigation of the properties of rubber compositions filled with carbon - Issue 04; April – 2018 [ISSN: 2456-401X].

4. Sh.T.Juraev, B.F.Mukhiddinov, A.S.Ibadullaev-Study by infrared spectroscopic analysis of carboncontaining material obtained by the pyrolysis of rubbertechnical products-LXVIII International Scientific and Practical Conference «International Scientific Review of the Problems and Prospects of Modern Science and Education-Boston. USA-pp. 10-13.